



**ПРОФЕССИОНАЛ СПОРТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИ
БИЛАН БОҒЛИҚ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР**

Каримжон Мусашайхов

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ: *Мазкур мақолада профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазаси тизимида кузатилаётган коррупциявий омиллар таҳлил қилинади. Спорт соҳасида фаолият юритаётган профессионал кадрларнинг меҳнат шароити, моддий рағбатлантириш, тиббий таъминот ва пенсия кафолатлари каби ижтимоий муҳофаза элементлари коррупцияга мойил соҳалар сифатида кўрсатилади. Шунингдек, мазкур соҳада шаффофлик, ҳисобдорлик ва институционал назоратнинг етарли даражада эмаслиги коррупциявий хатарларни кучайтираётган асосий омиллардан бири сифатида баҳоланади. Муаллиф ушбу муаммони бартараф этиш учун халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни қийёсий таҳлил асосида ўрганиб, аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.*

Калит сўзлар: *профессионал спорт, ижтимоий муҳофаза, коррупция, спорт сиёсати, молиявий назорат, давлат қўллаб-қувватлаши, тиббий ва пенсия таъминоти, шаффофлик, ҳисобдорлик, институционал назорат, спортчиларнинг ҳуқуқий кафолатлари.*

АННОТАЦИЯ: *В данной статье рассматриваются коррупционные факторы, наблюдаемые в системе социальной защиты профессиональных спортсменов. Элементы социальной защиты, такие как условия труда, материальное стимулирование, медицинское обеспечение и пенсионные гарантии профессиональных кадров, работающих в сфере спорта, рассматриваются как подверженные коррупционным рискам. Кроме того, недостаточный уровень прозрачности, подотчетности и институционального контроля в данной области оценивается как один из основных факторов, усиливающих коррупционные угрозы. Автор на основе сравнительного анализа международного опыта и национального законодательства разрабатывает конкретные предложения и рекомендации по устранению данной проблемы.*

Ключевые слова: *профессиональный спорт, социальная защита, коррупция, спортивная политика, финансовый контроль, государственная поддержка, медицинское и пенсионное обеспечение, прозрачность, подотчётность, институциональный контроль, правовые гарантии спортсменов.*

ANNATATION: *This article examines the corruption factors observed within the social protection system for professional athletes. Elements of social protection – such as working conditions, financial incentives, medical support, and pension guarantees for professionals working in the field of sports – are identified as areas vulnerable to corruption risks. Furthermore, the lack of transparency, accountability, and institutional*



oversight in this sector is evaluated as a key contributor to the intensification of corruption threats. Based on a comparative analysis of international practices and national legislation, the author proposes specific recommendations and solutions to address these issues.

Keywords: *professional sports, social protection, corruption, sports policy, financial control, state support, medical and pension provision, transparency, accountability, institutional control, legal guarantees for athletes.*

Професионал спортчилар жамиятнинг алоҳида эътиборга мухтож бўлган махсус қатлами ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини жисмоний меҳнатга асосланган ҳолда амалга оширадilar, бу эса қисқа муддатли касбий карьера ва юқори хавфли меҳнат шароитларини ўз ичига олади. Спортчиларнинг фаолияти фақат шахсий ютуқлар билан чекланиб қолмай, балки миллий ғурурни мустаҳкамлаш, давлат обрўсини юксалтириш ва жисмоний тарбия маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу боис, профессионал спортчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун қулай шарт-шароит яратиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат ижтимоий сиёсатининг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Бироқ, амалда профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш йўналишида бир қатор хавф-хатарлар мавжуд бўлиб, улар қонунчиликда аниқ механизмларнинг йўқлиги, очиқ ва шаффоф эмаслиги, ички аудит ва жамоатчилик назоратининг заифлиги ҳамда манфаатлар тўқнашуви каби жиддий масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Бу эса, соҳада коррупциявий хавф-хатарларни юзага келтириб, тизимли коррупция омилларининг авж олишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда юқори малакали спортчиларни тайёрлашда машаққатли меҳнат ва катта куч талаб этилишини инобатга олган ҳолда спортчиларнинг ўз маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари, жисмонан ва маънан етуклигини таъминлаш билан бирга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш зарур ҳисобланади.

Албатта, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада айниқса спортчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш жараёнлари янада кучайтирилмоқда.

Шу сабабли, мазкур жараёнларда профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ коррупциявий хавфларни камайтириш ва уни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш учун ҳукукий, ташкилий ва институционал ёндашувларни қайта кўриб, соҳани халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштиришни тақоза қилади.

Таъкидлаш лозимки, спортчиларнинг ижтимоий муҳофазаси – бу профессионал спортчиларнинг ҳаётида юзага келадиган турли ижтимоий таваккалчиликларни кафолатлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан таъминланадиган ҳимоя чора-тадбирлари мажмуасидир.



Кўплаб олимларнинг фикрларига кўра, ушбу ижтимоий ҳимоя кафолатларига куйидаги таснифдаги чоралар кўрсатиб ўтилган:

1. Соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат (жароҳатлар ҳолатида шошилиш тиббий ёрдам, реабилитация ва реабилитациядан кейинги кузатув, доимий тиббий кўриклар ва соғлиқни сақлаш дастурлари);

2. Меҳнат ҳуқуқлари ва шартномавий кафолатлар (расмий меҳнат шартномалари, белгиланган иш соатлари ва меҳнат таътили, меҳнат баҳси ҳолатларида ҳуқуқий ҳимоя);

3. Суғурта ва пенсия тизими (спорт жароҳатларига нисбатан суғурта, туғруқ, касаллик, ногиронлик ҳолатлари учун нафақалар, пенсия ёки спортдан кейинги ҳаёт учун моддий тайёргарлик);

4. Психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш (стресс, синдром ва эмоционал чарчоқ ҳолатларига қарши ёрдам, спорт фаолиятини тугатгандан кейинги адаптация дастурлари);

5. Таълим ва қайта касбий тайёргарлик (спортдан кейинги фаолият учун касбий тайёргарлик курслари, спортчилар учун махсус грантлар);

6. Оилавий ва ижтимоий нафақалар (оила аъзолари учун ижтимоий ёрдам, болали спортчилар учун туғруқ ёки бола парвариши нафақаси);

7. Ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муҳофаза (спортчи ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи юрист ва агентлар хизмати, контракт, мусобақа шартлари ёки лицензияларга доир ҳуқуқий маслаҳатлар)¹².

Қайд этилганидек, ушбу элементлар давлатнинг спортчилар олдидаги ижтимоий мажбуриятларини белгилаб беради. Лекин, ушбу чораларни қонунчиликда тўлиқ акс эттириш ва амалиётда уларни самарали татбиқ этишда тизимли муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин.

Зеро, Германиянинг Кёльн спорт университети профессори Юрген Миттаг тўғри таъкидлаганидек, “спортчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш – бу зарур ва умумэтироф этилган масала, лекин уни самарали амалга ошириш мураккаб тизимни талаб қилади”¹³.

Шу каби, Польшалик олимлардан Павел Зембура ҳам “спортчилар ижтимоий муҳофаза тизимини тўлиқ тушунишлари ва шу тизимда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари керак, чунки бу жараён мураккаб ва доимо ўзгариб туради”¹⁴, - деб бежиз айтмаган.

Ўз навбатида, профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш жараёнида юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва

¹² https://www.researchgate.net/publication/387913824_Social_Security_Practices_for_Professional_Athletes

¹³ <https://www.dshs-koeln.de/>

¹⁴ <https://govsport.eu/athletes-social-protection>



бартараф этиш эса, бу спорт соҳасидаги мураккаб ва жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Негаки, бу жараён спортчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, спорт фаолияти тугагандан кейин ҳам жамиятда самарали ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган тизимни ўз ичига олганлиги сабабли ҳар бир босқичдаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш лозим бўлади.

Қайд этиш жоизки, профессионал спортчилар ўз фаолиятларида бир қанча юқори хавфли омилларга дуч келадилар, жумладан фаолият муддати қисқа эканлиги (одатда 25–35 ёшда тугайди), жисмоний жароҳатлар ва соғлиқ билан боғлиқ муаммолар хавфи катталиги, мукофот ва даромаднинг барқарор эмаслиги, фаолиятдан кейинги ҳаётга тайёргарлик даражаси пастлиги кабилардир. Мазкур омиллар спортчиларни қисқа муддатда юқори даромад топиш учун ҳаракат қилишига олиб келса, бунда уларда коррупция ҳолатларига арилишга мойиллик даражаси ошишига ҳам етаклаши мумкин. Шу сабабли, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги коррупция омилларини бартараф этиш, нафақат адолат тамойили, балки инсон ҳуқуқлари ва жамият салоҳиятининг кафолати ҳисобланади.

Энг аввало, бунда мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг етарлилиги, уларни амалиётга тўғри татбиқ этиш ҳолатлари муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга оид “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда спортчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича умумий қоидалар келтирилган бўлсада, аниқ механизмлар назарда тутилмаган.

Хусусан, ушбу Қонуннинг 25-моддасида спортчиларнинг айрим тоифалари қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган¹⁵. Бу эса “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган иш стажи камида 20 йил бўлган спортчилар ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги билан белгиланади.

Статистик маълумотларга кўра, 2022-2024 йиллар ва жорий йил 6 ойида фақатгина 43 нафар спортчи махсус пенсия билан таъминланган бўлиб, бу умумий профессионал спортчилар сонига нисбатан жуда камчиликни ташкил этади¹⁶. Ушбу рақамлар ҳам профессионал спортчиларнинг пенсия билан қамраб олиниши

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/uz/docs/2742233>

¹⁶ Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг 25.07.2025 йилдаги 03/67-02-32/524-сонли хати



tizимидаги мавжуд муаммоларни кўрсатади. Агар спортчиларнинг кўпчилиги пенсия таъминотидан маҳрум бўлса, бу уларнинг келажаги учун жиддий хавф туғдиради. Бу ҳолатлар эса коррупция ва бошқа турли хил суиистеъмолчиликлар юзага келишига замин яратади.

Дарҳақиқат, спортчиларнинг пенсия тизимидаги номуайянлик коррупция учун ҳуқуқий бўшлиқ яратади. Аниқ қонунчилик нормалари ва механизми йўқ жойда манфаатлар тўқнашуви ва суиистеъмол ҳолатлари пайдо бўлади.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, профессионал спортчиларнинг имтиёзли пенсия таъминоти билан кафолатлаш механизмлари турлича йўлга қўйилган.

Масалан, Буюк Британияда профессионал спортчилар оддий ишчилар каби “Workplace pension” тизимида, яъни иш берувчи (компания) ва ишчи (ходим) ўртасидаги иш жойи орқали ташкил этилган пенсия жамғармасига автоматик равишда киритилади ва бунда дастурга қўшилган спортчилар 35 ёшдан пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлишади¹⁷.

Италияда эса пенсия таъминоти фақат махсус дастурда иштирок этувчи профессионал спортчиларга тааллуқли бўлиб, у Италия миллий ижтимоий таъминот институти (INPS) қошидаги “Профессионал спорт учун пенсия жамғармаси” (FPLS) орқали амалга оширилади. Бунда ушбу жамғармага аъзо бўлган спортчилар одатий ишчиларга қараганда эртароқ ёшда, яъни 54 ёшда пенсия чиқиши мумкин бўлиб, фақатгина унда 20 йил стаж эга бўлиш талаб қилинади. Шунингдек, Италияда профессионал спортни тартибга солувчи умумий қонунчиликка мувофиқ, Италия футбол федерацияси (FIGC) ва Италия футболчилар уюшмаси (AIC) томонидан биргаликда “касбий фаолият тугаганидан кейинги тўлов” (indennità di fine carriera) тизими ҳам жорий қилинганлиги спортчиларнинг фаолияти якунлангандан сўнг ижтимоий муҳофасини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди¹⁸.

АҚШда профессионал спортчилар эса фаолият юритадиган спорт турига қараб имтиёзли пенсия олиш имконияти юзага келади. Масалан, ҳоккейчилар фаолиятни бошлаган биринчи куниданоқ имтиёзли пенсиядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, футболчилар эса 2 йилдан 4 йилгача фаолият юритиши талаб этилади¹⁹.

Ушбу давлатлар тажрибасининг энг муҳим жиҳати шундаки, профессионал спортчиларнинг имтиёзли пенсия билан таъминлаш жараёнларининг барча босқичлари рақамлаштирилган бўлиб, у спортчилар ўртасида коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олди олинишига катта имкон бермоқда.

¹⁷ <https://www.withersworldwide.com/en-gb/insight/read/planning-to-win-how-athletes-can-protect-their-future-finances>

¹⁸ Ўша ерда.

¹⁹ Ўша ерда.



Албатта, электрон платформалар тизими коррупцияга қарши курашда энг самарали воситалардан биридир. Бунда очик маълумотлар базаси, жамоатчилик назорати ва рейтинг тизимлари инсон омилини қисқартириб, турли суиистеъмолчиликларнинг олишга хизмат қилади. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам спортдаги пенсия таъминоти тизимини рақамли платформа асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, профессионал спортчиларни олий таълим муассасаларига давлат томонидан белгиланган имтиёзли равишда қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар ҳам коррупция хавфи юқори бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ-414-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи фахрий унвонига эга бўлган спортчилар, халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси ёки халқаро гроссмейстер спорт унвонига эга бўлган спортчилар, Ўзбекистон спорт устаси ёки Ўзбекистон гроссмейстери спорт унвонига эга бўлган спортчилар ҳамда Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича республика чемпионатларида охириги бир йилда ғолиб (1-ўрин) бўлган спортчилар касбий (ижодий) кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади ва уларга максимал балл берилади²⁰.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2025 йилдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармон билан халқаро спорт мусобақалари ғолиблари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишларига спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатъий риоя қилинган ҳолда имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

Албатта, бу каби имтиёзлар спортчиларнинг таълим олишини енгиллаштиради, уларнинг спорт билан профессионал тарзда шуғулланишлари билан бирга олий таълимни ҳам давом эттиришларига имкон яратади.

Бироқ, бу жараёнда очик, шаффоф ва аниқ мезонлар бўлмаса ҳамда назорат тўғри йўлга қўйилмаса, коррупция учун шарт-шароитлар юзага келади. Жумладан, спортчиларнинг спорт мусобақаларида ғолиблигини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш ёки ушбу ҳақидаги маълумотларни кўриб чикувчи комиссия аъзолари томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши мумкин.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2022 йилдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-414-сон қарори, <https://lex.uz/uz/docs/6273973>



Тергов-суд амалиёти шуни кўрсатдики, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали мансабдор шахслари, шу жумладан 2022/2023 ўқув йили қабул комиссияси раиси ва масъул котиби мазкур ўқув йили қабули учун 2022 йилнинг 30 июль - 11 август кунлари ўтказилган 16 та таълим йўналишларининг касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тузилган 163 та баённомаларга сохта ёзувлар киритиб, 356 нафар абитуриентларнинг ҳақиқий тўплаган балларини ўзгартириб, шундан 322 нафарининг балларига қўшиб, 34 нафарининг балларидан эса камайтиргани ҳолда жами 163 та янгитдан қалбаки имтиҳон баённомалари расмийлаштириб, ўзига берилган махсус логин ва пароль орқали касбий (ижодий) имтиҳон балларини Давлат тест марказининг дастурий маълумотлар базасига сохталаштирган ҳолда киритганлиги оқибатида 171 нафар абитуриентлар ноқонуний ўқишга қабул қилиниб, аслида талабалikka тавсия этиладиган бошқа номзодларни ўқишга киролмасдан қолиб кетишига ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлишган.

Шу каби, амалиётда мазкур жараёнда олий ўқув юртлари масъуллари томонидан таниш-билишлик асосида имтиёзли қабул қилиш учун пора олиш ёки спортчиларнинг спортдаги ютуқлари ҳақидаги маълумотларни сохталаштириш орқали имтиёзлардан нотўғри қўлланиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Масалан, Фарғона давлат университети кўпкураш спорт турлари назарияси ва услубиёти кафедраси ўқитувчиси томонидан унга мурожаат қилган шахсни, гўёки бокс спорти бўйича даражали унвони мавжудлиги ҳақида сохта ҳужжат тайёрлаб, университетда юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали имтиёзли равишда мазкур университетга ўқишга олиб кириб қўйиш эвазига 2025 йил 10 июнь куни 3 800 АҚШ долларини пора беришга далолат қилган ҳолда фирибгарлик йўли билан олган вақтида ушланган.

Мазкур йўналишда АҚШ тажрибасига назар ташласак, у ерда спортчилар университетларга спорт стипендиялари (athletic scholarships) асосида қабул қилинади. Лекин, имтиҳонсиз қабул амалда йўқ бўлсада, умумий тестлар билан бир қаторда, спортчиларнинг қўлга киритган натижалари ҳам ҳисобга олинади. Спортчиларнинг ютуқлари ва академик натижалари электрон маълумотлар базаси (Eligibility Center) орқали махсус текширувдан ўтказилади. У орқали ҳужжатларнинг сохталаштирилиши ва инсон омилининг аралашувига чек қўйилади²¹.

Буюк Британияда эса спортдаги муваффақиятли ёшларга “sporting excellence” асосида таълим муассасасига ўқишга киришда афзаллик берилади, лекин улар ҳам умумий академик талабларга жавоб бериши керак бўлади. Баъзи университетларда спорт соҳасида юқори натижага эришган талабалар учун махсус грантлар ҳам тақдир қилинади. Мазкур жараёнда коррупциянинг олдини олиш мақсадида барча

²¹ NCAA Eligibility Center. www.ncaa.org



талабалар UCAS (ўқишга ариза бериш миллий платформаси) орқали қабул қилинади. Бу тизимнинг энг ижобий томони инсон омили юқори даражада минималлаштирилганлиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатда спортчиларнинг қўлга киритган натижалари мустақил спорт федерациялари орқали тасдиқланади²².

Японияда ҳам университетларга спортчиларни қабул қилишда спорт салоҳиятига асосланган махсус квоталардан (sports recommendation admissions) фойдаланилади. Лекин, ҳар бир спортчи маълум академик тестдан ўтиши шарт ҳисобланади. Ҳар қандай имтиёзли қабул ҳолати расмий университет сайтларида эълон қилинади ва жамоатчилик учун очиқланади²³.

Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳамда мазкур йўналишдаги фаолиятнинг очиқ ва шаффофлигини янада кучайтириш, шу жумладан имтиёзли қабул қилинаётган спортчиларнинг рўйхати расмий веб-сайтда эълон қилиниши лозим. Имтиёзлар аниқ мезон ва талаблар асосида фақат расмий спорт федерациялари томонидан берилган ва текширилган ҳужжатларга асосланиши керак. Қабул комиссиялари таркибига жамоатчилик вакиллари ҳам жалб қилиниши ҳамда барча ҳужжатлар электрон тизимда қабул қилиниши ва текширилиши, инсон омили кескин камайтилиши лозим. Шунингдек, бу борада коррупциявий ҳукукбузарликларга йўл қўйган спортчилар ва давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Изланишлар шуни кўрсатдики, профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш жараёнидаги коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимидаги ҳукуқий ва ташкилий муаммолар нафақат шахсий манфаатлар, балки умумий спорт тизими барқарорлигига жиддий таҳдид солади.

Мазкур жараёнда қонунчилик ҳужжатларидаги деталлашмаган нормалар, назоратнинг заифлиги, жамоатчилиكنинг четда қолиши ва ахборот очиқлигининг етишмаслиги коррупция хавфини кучайтиради.

Профессионал спортчиларнинг ижтимоий таъминоти соҳасида кузатилаётган коррупциявий хавфлар нафақат мазкур қатлам вакилларининг шахсий манфаатларига, балки бутун миллий спорт тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигига жиддий таҳдид солади.

Норматив-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган умумий нормаларнинг аниқ механизмлар билан таъминланмагани, моддий ёрдам ва имтиёзларнинг ношаффоф тақсимооти, назорат ва жамоатчилик иштирокининг заифлиги ушбу соҳада суиистеъмоллар учун муҳит яратиб беради.

Халқаро тажриба ва олимлар фикрига асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, спорт соҳасидаги ижтимоий кафолатлар очиқлик, шаффофлик ва ҳукуқий аниқлик тамойилларига асосланиши зарур.

²² UCAS Official Website. www.ucas.com

²³ Japan Student Services Organization – www.jasso.go.jp



Хусусан, профессионал спортчилар учун махсус пенсия жамғармаларини ташкил этиш, моддий ёрдамлар ва имтиёзларни электрон платформалар орқали тақсимлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ахлоқий кодексларни жорий этиш соҳада коррупцияга қарши самарали кураш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Зеро, соҳада коррупцияга қарши кураш фақат жазо ва чекловлар эмас, балки тизимли ислохотлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам талаб этади. Бу йўналишда халқаро ташкилотлар тавсиялари ва ривожланган давлатлар тажрибаси Ўзбекистон учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли, барча давлат органлари, спорт ташкилотлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари орқали ушбу соҳада аниқ ҳуқуқий механизмларни жорий этиш, фаолиятини шаффофлаштириш ва профессионал спортчиларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чунончи, ҳалоллик ва адолатга асосланган ижтимоий сиёсат орқали нафақат спорт соҳаси, балки жамиятнинг барча жабҳаларида барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, илғор хорижий давлатларнинг профессионал спортчиларни ижтимоий таъминоти бўйича тажрибалари Ўзбекистон учун муҳим илғор ечимларни тақдим этади. Бу мамлакатлар каби шаффоф, автоматик ва адолатли тизимларни жорий этиш орқали Ўзбекистон спортчиларига муносиб шароитлар яратилиши, коррупция хавфининг камайиши ва миллий спорт салоҳиятининг ривожланишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, спорт соҳасида коррупцияга қарши самарали кураш ва аниқ, шаффоф ижтимоий сиёсат – иқтидорли спортчиларни ривожлантириш, миллий спорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқаро майдонда муваффақиятли иштирок этишнинг асосий кафолатидир. Спортда ҳалоллик ва адолат принципларини қарор топтириш орқали фақатгина ғалабалар эмас, балки спортчилар учун барқарор, фойдали ижтимоий муҳит ҳам яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Савельева О.В, Иванова Л.А., Смирнова У.В., Суркова Д.Р. Антикоррупционные меры в отрасли физическая культура и спорт // Ученые записки университета Лесгафта. 2019. №2 (168). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/antikorrupsionnyemery-v-otrasli-fizicheskaya-kultura-i-sport>
2. Трунцевский Ю.В. Противодействие коррупции и поддержание честности в спорте (сравнительно-правовой аспект) // Труды Академии управления МВД России. 2020. № 2 (54). С. 115–122.
3. Алексеев С.В., Мирошниченко А.В. "Проблемы социальной защиты спортсменов после завершения карьеры", Спорт// Экономика. 2016. № 3. С. 5. URL: <https://publications.hse.ru/articles/192629984>



4. Çiğdem Gökduman, Social Security Practices for Professional Athletes. URL: <https://www.researchgate.net/publication/387913824>.
5. Christina Philippou & Tony Hines "Anti-Bribery and Corruption Policies in International Sports Governing Bodies" (2021)
6. Manoli A. E., Bandura C., Downward P. Perceptions of integrity in sport: Insights into people's relationship with sport. International Journal of Sport Policy and Politics. 2020. URL: <https://doi.org/10.1080/19406940.2020.1747101>